

## Оила мустаҳкамлигининг конституциявий кафолатлари

*Ислом ҳуқуқи йўналиши 2-курс магистранти*

*Холхўжаева Н.*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўтказилган муҳим ислоҳотлардан бири янгиланган Конституцияни қабул қилиниши бўлди. 2022 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш ва ташкилий чоратадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашув ўтказиб, ушбу учрашувда давлатимиз раҳбари Конституцияга ўзгартириш киритиш зарурияти масаласига батафсил тўхталиб, ўзининг бир қатор таклифларини илгари сурди. Янги таҳрирдаги Конституция халқ муҳокамасига қўйилиб, талаб ва таклифлар инобатга олиниб, 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинди. Ўзбекистон Конституциясининг янги таҳрири 1 майдан кучга кирди. У 6 бўлим, 27 боб ва 155 та моддадан иборат бўлди.

Мамлакат тараққиётини ҳаракатга келтирувчи асосий ҳужжат — ушбу янги таҳрирда қабул қилинган Бош Қомусимизда оила масаласига ҳам алоҳида ургу берилган. Чунки оила инсоннинг суюнчи саналувчи муқаддас даргоҳдир. Инсоният тарихида оила ҳар бир шахс ҳаётида ҳал қилувчи ўринни эгаллаган. Оиланинг тинч-тотув бўлиши инсон баҳтининг энг муҳим омилларидан биридир. Баҳтли оиласига эга бўлиш фақат омад билан изоҳланадиган нарса эмас, бунинг учун меҳнат талаб этилади. Бугунги кунда авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўргони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш барчамизнинг нафақат асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимиз ҳам ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда барча хайрли ишлар аввало оилаларни мустаҳкамлаш ва ёш авлоднинг ёруғ келажагини таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқда. Зеро, оила соғлом экан, жамият

мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, мамлакат барқарордир. Муқаддас заминимизда қадимдан миллий урф-одатларимиз ҳамда анъаналаримиз ёш авлод онгиға сингдиришда, уларни жисмонан баркамол, маънан етук, меҳр – оқибатли инсонлар қилиб тарбиялашда оила муҳити мухим ўрин эгаллаб келган.

Аввалги Конституциянинг XIV боби “Оила” деб номланган бўлиб, 63 – 66- моддаларни ўз ичига олган эди. Янгиланган Конституцияда оилавий муносабатларга тегишли боб “Оила, болалар ва ёшлар” деб номланиб, 76 – 80 - моддаларни ўз ичига олди. Ушбу моддалар мамлакатнинг оилавий муносабатларни ҳимоя қилиш соҳасидаги сиёсатини белгилайди – оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида эътироф этилади, никоҳ томонларнинг ўзаро келишуви ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади, ота-оналар ва болалар бир-бирига ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар, барча болалар тенглиги, оналик, болалик ва оталик , ёшлар ҳуқуқлари давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 76-моддасида анъанавий оила ва никоҳ муносабатларини сақлаш энг устувор масала сифатида муҳрланди. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 76-моддасига кўра, давлат оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасида эканлигини сақлаб қолган ҳолда, никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши белгиланди. Никоҳ – оила вужудга келишининг бирдан – бир асосидир. “Никоҳ, - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 76-моддаси 2-бандига кўра, Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади”. Демак, никоҳ эркак ва аёл ўртасидаги ихтиёрий розилик ва тенгликка асосланиб тузилган эркин иттифоқ бўлиб, унинг мақсади оила қуриш, болаларни умуминсоний қадриятлар ва анъаналар асосида тарбиялашдан иборат. Никоҳ тузилгандан сўнг эр ва хотин ўртасида ҳар иккала томоннинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари вужудга келади. Улар ўртасидаги муносабатлар аҳлоқ-одоб қоидалари билангина эмас, балки

қонунлар, ҳуқуқий қоидалар билан тартибга солинади.

Шу ўринда, давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун нафақат ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, балки давр талабидан келиб чиқкан ҳолда бошқа шарт-шароитлар яратишни ҳам ўз зиммасига олди.

Оилани муҳофаза қилиш тушунчаси кенг мазмунга эга. Бунда оиланинг дахлсизлигини, шаънини, қадр-қимматини ҳимоя қилиш, оила учун керакли моддий, маданий ва майший шароитларни яратиш, болаларга таълим ва тарбия бериш, ишга яроқсиз оила аъзолари учун зарур бўлган моддий имтиёзлар туғдириш ва оилани мустаҳкамлаш борасида бошқа шунга ўхшаш муаммоларни ҳал қилиш ва давлат томонидан амалга оширишни тўғри йўлга қўйиш масалалари назарда тутилади. Янги таҳrirдаги Конституцияда оилавий муносабатларга тегишли моддалар янада тўлдирилди. Масалан, Конституциянинг 78-моддасида оналик ва болалик билан бирга оталик ҳам муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилди. Бу биринчи галда боланинг насл-насабини аниқлаш билан ифодаланади. Отанинг фамилияси ва исми болага ўтиши қонун билан белгиланади ва муҳофаза қилинади.

Бош Қомусимизда белгилаб қўйилган меъёrlарнинг қанчалик ҳаётда ўз ифодасини топишида халқимизнинг айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида ҳуқуқий билимга эга эканлиги, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклиги муҳим аҳамият касб этади.

Тузатиш ва қўшимчалар киритилган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакатимиз тараққиётiga шу билан бирга, оилаларнинг янада мустаҳкам бўлишига хизмат қиласи.